



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

2021 йил "14" январь № 43⁹ Yangibozor tumani

Янгибозор туманининг "Янги-ёп" маҳалласидаги
"Yangibozor Lacol Trading Centre" масъулияти
чекланган жамиятига ер майдони ажратиш тўғрисида

"Yangibozor Lacol Trading Centre" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Усмоновнинг 2021 йил 7 январдаги Янгибозор тумани ҳокими номига ёзган аризасини ўрганиб чиқиб, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келиши мумкин бўлган шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробарга кўпайтириш, юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш ўринларини яратиш, манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндошувларни жорий этиш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4700-сонли қарори ва чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4576-сонли қарори ҳамда Хоразм вилоят ҳокимининг 2020 йил 20 августдаги аҳолини арзон қорамол ва парранда гўшти билан таъминлашни янада ривожлантириш бўйича ўтказилган 292-сонли йиғилиш баёнининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳулосасини инобатга Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-,58-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-,10-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. "Yangibozor Lacol Trading Centre" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Усмоновнинг 2021 йил 7 январдаги Янгибозор тумани ҳокими номига ёзган

аризаси талаби қаноатлантирилсин ва туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Yangibozor Lacol Trading Centre” масъулияти чекланган жамиятига туман ҳокими захирасида турган “Жайхун” массивидаги 163-,164-,165-,168-,169-,174-,175-,177-,178-,162-,166к-,167-,170-,173-,176-,179-,180-,181-,182-, 245к-241к-,242-,243к-,235к-,237-,232-,233-,234-,236-,240-контурларида жойлашган умумий ер майдони 112,8 гектар, шундан суғориладиган экин ери 100,2 гектар, ариқ ва зовурлар 11,6 гектар, йўллар 1,0 гектардан иборат ер участкаси ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун 30 (ўттиз) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “Yangibozor Lacol Trading Centre” масъулияти чекланган жамиятига ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва “Yangibozor Lacol Trading Centre” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Усмонов ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз хисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

5. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқ сифатида ташкил қилинганлигини инобатга олиб, “Yangibozor Lacol Trading Centre” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Усмановга:

- ажратилган ер майдонларидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, кадоқлаш, ички ва ташқи бозорга етказиб бериш;

- аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон озиқ-овқат ва чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



У.Курбанов